## ТЎҚУВЧИЛАРНИНГ УСТОЗИ

**Ромитанлик тадбиркорлар ва тумандаги "Шўрча" агрокорхонаси Хўжа Али Ромитаний хилхонаси ва унга туташ мачит, айвон ҳамда ошхонадан иборат мажмуани ободонлаштириш ва қайта таъмирлашга киришди.**

Хўжа Али Ромитаний бухоролик тўқувчиларнинг пири ва устози ҳисобланади. Улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ўзларининг "Насойимул муҳаббат" асарида XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Али Ромитанийнинг ноёб санъати хусусида ёзаркан, «у зот нафақат тўқувчи, балки ажойиб шоир ҳам эди» деб эътироф этади. У зоти шариф ҳақида шарқнинг буюк алломалари - Жалолиддин Румий ва Фахриддин Али Сафий Кошифийлар ҳам ўз асарларида эслатиб ўтишган.

-Тўқувчиларнинг пири ҳақида ромитанликлар орасида кўпдан кўп афсоналар юради, - деди "Шўрча" агрокорхонасининг раиси Р. Саидов "Туркистон-пресс" мухбирига. - У кишининг қабрларини зиёрат қилиш учун бутун Ўзбекистондан меҳмонлар келишади.





Пахта йиғим терими оққўрғонлик пахтакорлару деҳқон-фермерларга, пахтани қайта ишловчиларга ҳар доимгидек яна катта масъулият юкламоқда.

—Хирмоннинг баракали бўлиши йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказилишига боғлиқ, — дейди туман деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси Абдурасул Саидаҳмедов. — Бунинг учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Энг муҳими деҳқон-фермерларимиз бошқа соҳалар каби пахтачиликни ривожлантиришга, бу орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар...

Туман пахтазорларида ҳа демай пахта йиғим-терими бошланади. Унга кўрилган пухта тайёргарлик ишнинг унумли бўлишидан далолат бериб турибди.

**СУРАТЛАРДА: деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси Абдурасул Саидаҳмедов "Жумақул Примқулов" фермер хўжалиги бошлиғи Абдураҳмон Примқулов билан йиғим-терим олдидан қилинадиган ишларни келишиб олмоқда; "Оққўрғон" пахта тозалаш заводи" ОХЖ бош муҳандиси Раҳимжон Султонов (чапдан ўнгга), қурилиш муҳандиси Карим Кунохунов, ёнғин хавфсизлиги мутахассиси Раҳмон Маманов, ҳиссадорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Шерназар Омоннazаров ва омбор мудири Ойбек Аширбеков мавсумга тўла шайланган корхонанинг бундан буёнги вазифаларини белгилаб олишаяпти.**

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

*Ислоҳот ва самара*

# ЭЛ ИШОНЧИНИНГ ЎЗИ ОБРЎ

**Қашқадарёда шундай одам бор. Уни ҳамма танийди. Албатта, катта бир молия муассасасининг раҳбари эканлиги учун эмас, балки, яхши инсон эканлиги боис барча иззат ҳурматини жойига қўяди. У ўз вазифасини сидқидилдан қойилмақом қилиб, адо этиш билан бирга ишдан ортиб оиладагилари, дўст-биродарлари, маҳалла-кўйдагилар кўнглини олишга ҳам вақт, ҳам имконият топа олади.**

Шодиёр ака ана шунақа одам. Аммо унинг шу даражага етишиши осон бўлмаган. Йигирма йилдан ортиқ меҳнат фаолияти мобайнида анча-мунча қийинчиликларни ҳам кўрган. Ҳаёт мураккабликларини енгган.

1986 йили Саратов иқтисодиёт олийгоҳини муваффақиятли тугатгач, илк иш фаолиятини Қашқадарё вилоят давлат банкида иқтисодчиликдан бошлаган Шодиёр ака орадан икки йил ўтгач Касби "Пахта банки"-да бошқарувчига муовин, 1991 йилдан 1994 йилгача эса шу банкда бошқарувчи бўлди. 1995 йилдан эса ихтисослаштирилган акционерлик тижорат "Ғаллабанк"нинг Яккабоғ бўлимида бошлиқ бўлиб ишлади. 2000 йилдан бошлаб акциядорлик тижорат банк — "Ғаллабанк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали бошқарувчиси вазифасида ишлаб келмоқда. Юқорида санаб ўтилган барча молия муассасалари бир тизимга қарашли бўлгани боис у ҳали ўзининг меҳнат дафтарчасини қўлига ҳам олиб кўрмаган. Аммо вилоятдаги банкирлар билан бирга оддий кишилар ҳам Шодиёр акани эл-юрт учун ёниб яшаётган заҳматкаш инсон сифатида тан олишади. У Яккабоғда фаолият олиб борган вақтида туман аҳолисига ва банк ходимларига ҳар томонлама жаҳон андозалари талаблари даражасидаги янги банк биносини қурдириб, ишга туширди. Вилоятга ишга ўтгач эса, филиалнинг янги биноси қурилишини тезлаштирди. Интилганга толе ёр, деганларидек Қарши шаҳар аҳолисининг узоқ йиллик орзулари ўтган йили рўёбга чиқди. Шодиёр аканинг тинимсиз елиб югуришлари, ташкилотчилиги боис вилоят марказида яна бир осмонўпар муҳташам бино қад ростлади. Ҳозир "Ғаллабанк"нинг минтақавий филиали биноси атрофида ранг-баранг гуллар экилган. Бундан ташқари ҳаво тоза бўлиши, банк ходимларининг мижозларга намунали хизмат кўрсатиши учун арча, қарағай кўчатлари ўтказилди. Шодиёр аканинг айтишича, нина баргли дарахтлардан чиққан ҳаво бактерияларни ўлдиради, инсон соғлиғини яхшилайди ва чангтўзонни камайтиради.

Айни пайтда филиал ходимлари 714 та мижозга хизмат кўрсатишаяпти. Кейинги вақтларда филиалда мижозларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти. Натижада мижозларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари шу йил бошидан ҳозиргача 24034,2 миллион сўмга камайтирилди. Шунингдек, филиалда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан жорий йилда улар учун 90720 минг сўм кредит ажратилди. Бу пулларга тадбиркорлар ўзларига керакли техникалар, асбоб-ускуналар сотиб олиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Янги корхоналар ишга туширилгани эвазига 230 нафар ишсиз фуқаро ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди.

Банкни мижозга яқинлаштириш ва улар билан компьютер алоқасини ўрнатиш бозор иқтисодиёти талабларидан биридир. Филиалда бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали бошқарувчиси Шодиёр ака Эралиевнинг бевосита саъй-ҳаракати, ташаббуси билан ўтган икки йилда жойларда бешта мини банк ишга туширилди. Келажакда яна 5 та туманда мижоз билан тўғридан-тўғри компьютер алоқаси ўрнатилиши кўзда тутилмоқда.

— Биласиз, Қашқадарё вилояти дон етиштириш бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди, — дейди Шодиёр ака мамнуният билан. — Шу боис унга катта карвон деб нисбат беришади. Жорий йил ғаллакорларимиз учун айниқса залворли бўлди. Қабул пунктларига 364 минг 700 тонна сара дон етказиб берилди. Бунда албатта филиалимизнинг ҳам ўз вақтида ғаллакорларни иқтисодий қўллаб-қувватлагани қўл келди. Филиалимиз бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ўрим-йиғим учун 5401,3 миллион сўм маблағ ўтказиб берилгани муваффақиятни таъминлади.

Ҳа, филиал ходимлари айни пайтда 27 та давлат ташкилотига, 12 та дон маҳсулотлари корхоналарига, 120 та юридик шахсларга, 3 та ҳиссадорлик жамиятларига, шунингдек, 255 та фермер хўжаликларига, 15 та масъулияти чекланган жамиятга, 16 та бюджет муассасалари ва бошқа кўплаб корхоналарга хизмат кўрсатмоқда. Асосий эътибор мижозлар ишончини оқлашга қаратиляпти.

Филиалда акциялар чиқариш ва уларни жойлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозиргача филиал томонидан 246591,3 минг сўмлик акциялар тўла жойлаштирилди. Бунга асосий сабаб двидентлар ўз вақтида тўлаб борилаётганидадир. Сўзимизнинг исботи сифатида биргина ўтган йил якуни билан акциядорларга 62883,9 минг сўм двидент тўланганлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади.

Шодиёр ака Эралиевнинг саъй-ҳаракати билан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ходимларнинг тўй-маъракаларига ёрдам бериш, беморлар холидан хабар олиш одат тусига кириб бормоқда. Бу ҳақда бизга ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис Абрай Ҳасанов қуйидагиларни маълум қилди:

— Кўп йилдан буён банк тизимида хизмат қиламан. Халқимиз, дунёни оқиллар билан меҳнатсеварлар обод қилади, дейишади. Дарҳақиқат шундай. Бошқарувчимиз Шодиёр ака назаридан ҳеч ким қолмайди. У киши ходимларга ойма-ой мукофот пули берилиши учун имкон топадилар. Беморларга дори-дармон ва бошқа харажатлари учун амалий ёрдам кўрсатадилар. Шодиёр ака бугунги кунда бошқарувчи бўлиш билан бирга муносиб шогирдлар ҳам тайёрламоқда. Филиалнинг кредит амалиёти бўлими ходимлари Баҳром Оромов, Хусниддин Бобомуродов, Карим Раҳимов, ҳисоб амалиёти бўлимидан Фарҳод Мирзаевлар ўз устозлари билан ҳақли равишда фахрланишади, — деди суҳбатдошим.

Дунёдаги ҳеч енгиб бўлмайдиган куч — бир дақиқадир, дейилади ҳикматли дурдоналаримизда. Худди шундай. Вақт чиғаноқдаги қатралардан дур ясай олади. У ҳам қуради, ҳам емиради. Шодиёр аканинг таъбири билан айтганда вақтни сотиб оладиган бозор йўқ. Ҳар бир киши узоқ яшашни ўйлагунча, бор умрдан унумли фойдаланишни, одамларга кўпроқ яхшилик қилишни ўйлаши керак. Шунда эл-юрт сизни унутмайди. Ҳатто номингизни ҳам эъзозлайди. Ҳа, Шодиёр Эралиевнинг ҳаёт фалсафаси ана шундай. У вақтнинг қадрига етиб инсонлар умидини рўёбга чиқараяпти. Дарвоқе, Шодиёр ака биз билан самимий хайрлашаркан, келгуси йили филиал ходимлари учун турар-жой қурилишига маблағ ажратишини ҳам маълум қилди. Нима ҳам дердик. Хайрли иш. Илоё бошлаган барча хайрли ишларингиз ўз натижасини берсин.

**Комил САХАТОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

*Партия ҳаёти: тажриба ва самара*

***Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, партиянинг Самарқанд шаҳар Кенгаши сиёсий фаолият марказини бевосита меҳнат жамоалари, маҳаллаларга кўчириб омма билан яқин ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Фақат шу йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда унга яқин бошланғич ташкилот тузилиб 200 дан ортиқ киши партия аъзолигига қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Ва, яна шуниси эътиборлики, партия фаоллари жамият ривожининг ҳозирги босқичида ташкилот олдига қўйилган вазифаларни чуқур англаб етган, кўпчиликда ташаббус уйғота оладиган зиёли, ишбилармон кишилардир.***

# НОМЗОДЛИК ПИЛЛАПОЯСИ

**сиёсий етуклик ва маънавий баркамолликка суянади,**
**— дейди "Адолат" СДП Самарқанд шаҳар Кенгаши биринчи котиби Мамаюсуф САЛИМОВ**

— Буғун ташкилотимизга аъзо бўлишни сўраб мурожаат қилаётганлар кўп, — дейди суҳбатдошимиз "Адолат" СДП Самарқанд шаҳар Кенгаши биринчи котиби Мамаюсуф Салимов. — Бу аввало одамларда сиёсатга яқинлик кучайиб, жамиятдаги ўзгаришларга бефарқлик йўқолиб бораётганлигини кўрсатади. Фуқароларнинг тобора кўпроқ қисмида унинг ўзи, оиласи, Ватани учун истиқболни белгилайдиган, аниқ ҳаракатларни талаб этадиган сиёсатга қизиқиш кучаймоқда. Демак, биз бугунги кун қийинчиликларидан, янгиланиш масъулиятидан чўчимаймиз. Чунки озод жамиятнинг онгли фуқароларимиз.

Саркотибнинг таъкидлашича, "Адолат" СДП аъзолигига айни шу ҳолда фикрловчи кишиларни қабул қилишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Яқинда шаҳардаги бозор муносабатлари коллежи ва вилоят адвокатлар ҳайъати қошида бошланғич ташкилотлар тузилиб, 86 нафар номзод партия аъзолигига қабул қилинди.

Эндиги вазифа бўлғуси сайловлар арафасида партия фаоллари орасидан депутатликка номзодларни ҳозирданоқ танлаш ва тарбиялашга қаратилмоқда. Чунки сайлов даврида партиянинг нуфузини, обрў-эътиборини белгилайдиган, унинг қиёфасини кўрсатиб турадиган номзод иқтидори баланд, сиёсий етук, маънавий баркамол киши бўлиши керак.

Шаҳар партия Кенгаши ва унинг ташкилий ишлар бўлими ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда сиёсий ўқув машғулотларини аллақачон бошлаб юборган. Мамлакатимиздаги, дунёдаги сиёсий жараёнлар ва бу жараёнларда партияларнинг ўрни, иштироки хусусида фойдали суҳбатлар, фикр алмашишлар бўлиб ўтмоқда.

Давра суҳбатларига Самарқанддаги Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, сиёсатшунос олимлари таклиф этилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик партия ғояларини тарғиб этиш ва жамоатчилик фикрини ўрганишда қўл келмоқда. Хусусан, СТВ телеканали орқали уюштирилаётган юзма-юз мулоқотлар партия фаоллари ўз ишларига танқидий кўз билан қараб, соғлом режалар тузиб олишларига имкон бермоқда.

Шаҳар Кенгаши саркотибининг фикрича бундай суҳбат ва мунозаралар номзодларни чиниқтиради, уларни мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммоларга ҳозиржавоблик билан ёндошишга ундайди. Шаҳардаги Мақсуд Шайхзода маҳалласида партиянинг бошланғич ташкилоти тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ташкилот маҳалладошлар ишончини аллақачон қозонаолган. Сабаби унинг атрофига уюшган партия фаоллари ёшлар тарбияси, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари билан астойдил шуғулланишади. Бошланғич ташкилот котиби Муҳиддин Сафаровни гоҳ мактабда, гоҳ милиция бўлинмасида ёки ҳокимлик идорасида бирор муаммони ҳал этаётганида учратасиз.

Фарҳод қўрғонидаги Чўпонота маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби Тўлқин Ғойибов, вилоят йўл фонди қошидаги бошланғич ташкилот котиби Баҳодир Бобоҳандов, бозор муносабатлари коллежи бошланғич партия ташкилоти котиби Исомиддин Куланов ҳақида шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Шаҳар Кенгаши фаоллар орқали сайловлар арафасида муваффақият қозонишига, партия дастуридаги ғояларининг бекаму-кўст амалга оширилишига ишонади.

— Партия фаоллари ижтимоий соҳалардаги муаммоларни дадил кўтариб чиқаётганликлари ва ҳокимлик ҳамда тегишли бошқарув идоралари эътиборини айни шу муаммоларга қаратаётганликлари бизни беҳад қувонтиради, — дейди "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Абдурасул Ҳакимов. — Шу асосда у ёки бу соҳадаги аҳволни яхшилашга оид муҳим қарорлар қабул қилишмоқда. Хусусан, вилоят ҳокими 2003 йилда қишлоқ врачлик шаҳобчалари ва тез тиббий ёрдам бўлинмалари ишини такомиллаштириш бўйича зарур хулосага келгани, махсус қарор қабул қилганлиги туфайли кўплаб муаммолар ўз ечимини топди. Соҳага салкам 4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Ислоҳотлар — ҳамма учун, барчанинг фаровон ҳаётга эришиши учун давом этаётган улкан сафарбарлик. "Адолат" СДПнинг шаҳар Кенгаши, унинг фаоллари ҳам ана шу сафарбарлик жараёнида ўз ўринларини топишга интилаётган экан бу қадим Самарқанднинг ободлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлиги янада ошади деган гап.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

*Мустақиллик иншоотлари*

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ



Гўзал пойтахтимизни кезиб, унинг хуснига - хусн қўшиб турган бирбиридан бетакрор биноларни томоша қилиб юрарканман ногаҳон яна бир янги иншоотга кўзим тушди. У салобати жиҳатидан бошқаларидан қолишмасди. Бинога катта қизиқиш билан яқинлашдим...

Бугун шундай: "Тошкент банк коллежи" бу атрофда бўлувчи ҳар қандай одамнинг диққатини ўзига жалб этади. У мустақиллигимиз инъоми ила истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида тамоман қайта қурилиб, замонавий қиёфага эга бўлди.

Билим юрти ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида коллеж маъмуриятига мурожаат қилдик.

—Коллежимиздаги хоналарга юздан зиёд замонавий компьютерлар ўрнатилган,—дейди ўқув масканининг хўжалик ишлари бўйича директор муовини Чори Примов.— Барча компьютер тузилмалари ягона компьютер ва интернет тармоғига уланган. Дарслар турли фанларга ихтисослашган хоналарда замонавий ўқитиш технологиялари асосида олиб борилмоқда. Жумладан 2 та банк, 10 та компьютер хонаси, 6 та лингофон хонаси, барча фанлар бўйича замонавий технологиялар билан жиҳозланган махсус хоналар, спорт зали, теннис корти ва бошқа спорт майдончалари мавжуд. Шунингдек, коллежимиз кўплаб китоб манбаига эга бўлган кутубхонамиз ҳам юқори малакали кадрлар тайёрлашда қўл келмоқда. 1200 талабани ўқитишга мўлжалланган ўқув масканимизда 250 ўринли мажлислар зали ҳам ишлаб турибди.

**— У бошқа коллежлардан нимаси билан фарқ қилади,— дея саволга тутдик суҳбатдошимизни.**

— Бошқа коллежлардан ўқув масканимизнинг фарқи шундаки, машғулотлар мобайнида назария билан амалиётни биргаликда қўшиб олиб борамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. "Уйжойжамғармабанк" билан ҳамкорликни кенг кўламда йўлга қўйганмиз. Ҳатто бу банк ёрдамида коллежимизнинг ичида ўқув банки ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари республикамизнинг деярли барча тижорат банклари, солиқ ташкилотлари, муассасалари, кўплаб халқ хўжалик тармоқлари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Республика "Фонд" биржаси билан ҳам ҳамкорликда ишлаяпмиз.

**— Вилоятлардан келиб коллежда таҳсил олаётганлар учун қандай шароитлар яратилган?**

— Вилоятдан келган ўқувчилар Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхонамизда яшашмоқда. Уни қайта таъмирлаб, ёшлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб қўйганмиз...

Дарҳақиқат бу ердаги барча қулайликлар ёшлар камолотига хизмат қилмоқда. Жаҳон андозаларига мос бундай замонавий илм даргоҳларида таълим олган талабаларнинг келажакда албатта етук кадрлар бўлиб етишиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг бундан-да ривожланишига муносиб ҳисса қўшишларига шубҳа йўқ.

**Шерали ОТАБОЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

*Орамиздаги одамлар*

# ТОЛЕИ БАЛАНД АЁЛ

**...Очиғини айтганда шундай инсонлар борки, улар ўзининг барчага ибратли хулқи-атвори, меҳнатсеварлиги, Ватанига, халқига фидоийлиги билан эл-юрт меҳрини қозонади. Тириклигида ўзига ҳайкал яратишга, ҳеч бўлмаганда бу фоний дунёда ўчмас ном қолдиришга ҳаракат қилишни умр мазмуни деб билади. Бундай олийжаноб хислат ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди аслида.**

Зеро, бу фазилат инсондан катта матонат, чексиз сабр-қаноат, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг қай жабҳасида бўлмасин ўзининг ҳалолу пок меҳнати туфайли фидокорона фаолият юритиш билан кенг омма ўртасида иззат-икром топишни тақозо этади. Ана шундайлардан бири Андижон вилоятининг энг шимолий ҳудудида жойлашган Қўрғонтепа туманининг "Бирлашган" ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъати раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зайнаб Ашуровадир.

### "ҚЎРҒОШИН ДАЛА"ДА "ОҚ ОЛТИН" ЯРАТАЁТГАНЛАР

Ширкат хўжалигига етиб борганимизда кун чошгоҳдан оғиб қолганди. Хўжалик раҳбарини идорада учратаолмагач, қаердалигини суриштирдик... Лекин уни сўрагани яқин атрофда ҳеч кимса йўқ. Бир пайт саксонни қоралаб қолган мўйсафид елкасида кетмони, бир қўлида гулзорлар орасидан юлган, икки-учта ёввойи ўт-ўлан майсалари билан биз томонга кела бошлади. У билан салом-аликдан сўнг, раҳбарни сўрадик.

— Қулоғим пича оғирроқ болам, Сизларга ўзи ким керак, агар раисани сўраётган бўлсанглар, у хўроз қўндоқдан тушмаёқ, каллаю саҳардан дала айланиб кетган,- деди у кетмонини ерга қўяркан.

— Ўзинглар биласизлар, ҳозир раҳбар бош-қош бўлиб турмаган жойда иш юришмайди. Ўзи қизим билан тенгкур бўлсада, қишлоғимизнинг барча каттаю кичиги уни "Опа" деб чақиришади. Боёқиш юриш-туриш, феъли-атворидан райисга ўхшамайдиям. Ўзиям бутун эл тинчиса тинчийди, у тинчимайди. Шу денг, хўжалигимизни ташкил топганига олтмиш йилдан ошаётган бўлсада, табиий газ нималигини билмасдик. Қаловини топса, қор ёнар деганларича бор экан. Шу Опа хўжалигимизга раҳбар бўлиб келди-ю, маҳалламиз бўйлаб газ қувурлари тортила бошлади. Ишқилиб, болаларининг орзу ҳавасини кўрсин.

Кейинчалик маълум бўлишича, Зайнаб Ашурова "Қўрғошин дала"да экан. Опа бир зумда биз турган пайкал бошига етиб келди. Аввал салом, сўнгра калом деганларидек, унинг билан самимий сўрашганимиздан сўнг, фурсатни қўлдан бой бермай, асосий мақсадга кўчиб, суҳбат бошладик.

Опанинг айтганларига қараганда "қўрғошин дала" деганларича бор экан. Ер қатлами ва унинг табиий тузилиши шундай эканки, экин майдонлари эгатларига сув тарашинг билан бирдан тупроқ намликни ўз қарига тортиб, эгатларни ювиб, ғўза томирини яланглатиб қўяркан. Бундай ҳолга йўл қўймаслик учун сувчи тажрибали, хушёр бўлиши лозим. Акс ҳолда орадан бир неча соат ёки кун ўтар ўтмас бир зумда яна метиндек қотиб кетиши оқибатида қатқалоққа дуч келинаркан. Шу боис сувчилар вегитация даври давомида асло тиним билмас эканлар. Ҳатто бир оз севалаб ўтган ёз ёмғиридан кейин ҳам шу ҳолат такрорланиб, ғўза қатор оралари кунора культивация қилинмаса, кесакларининг ранги қўрғошин каби товланиб, кетмон урсанг бамисоли коптоксимон сакраркан. Шу сабаб бу ерни деҳқонлар "қўрғошин дала" дейишлари бежиз эмас экан.

Шунга қарамай, опа раҳбарлигидаги ширкат хўжалиги миришкорлари омилкорлик билан иш тутиб ўтган йили йиллик пахта тайёрлаш шартномавий режасини 15 сентябрда, қўшимча олган мажбуриятларини эса 1 октябрда, 150 фоиз қилиб уддалаганлар.

Бу йилги баҳор фаслининг бирмунча чўзилиб кетиши, қолаверса плёнка остидаги ерга айни сара чигит уруғи қадаш ва ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш пайтларида нормадагидан 2-3 баробар ортиқча ёғин ёғиши экинлар ривожини бироз сусайтирди. Қайт этиш лозимки, об-ҳавони кузатиш марказининг берган маълумотлари ва хўжалик раҳбарининг айтишига қараганда юқори зоналарда 32 марта, уларнинг хўжалиги жойлашган янада шимолроқ зонада эса кунора 40 мартага яқин ёмғир ёққан. Кейинчалик эса ёмғирдан қочиб, чинданда дўлга учрашган... Оқибатда айрим майдонларга қайта-қайта тўрт марталаб чигит экишган.

"Қўрғошин дала" заҳматкашлари учун бу қўшимча меҳнат, қўшимча сарф-харажат ва қўшимча ташвишдан бошқа нарса эмасди. Шунга қарамай, хўжалик заршунослари пахта етиштиришнинг "Андижон технологияси" афзалликларини амалда намойиш этиб, ғўза қатор ораларига маҳаллий ва минерал ўғитлар билан қўшимча ишлов беришганлиги туфайли тўла ва бўлиқ кўчат олишга эришганлар. Ҳозирда бободеҳқон меҳри ила вояга етган дуркун ғўзалардаги маржон кўсаклар бодраб очилмоқда.

### "ТАҚДИРИ АЗАЛ"ДА ЁЗИЛГАНИ БЎЛАРКАН...

Биз Зайнаб Ашуровадан ўзи ҳақида сўзлаб беришни сўрадик. У аввалига бироз ўйланиб турди-да аста гап бошлади:

Раҳматли волидамиздан ўн уч ёшда етим қолганман. Энг кичик синглим олти ойлик эди. Бир этак укаларим билан катта бувим тарбиясида бўлдик. Жойлари жаннатда бўлсин отамиз иккинчи жаҳон уруши ногирони эдилар. Уларнинг умрлари ҳам фақат меҳнат билан ўтди. Уруш йиллари Санкт-Петербург шаҳридан Хонобод шаҳрига эвакуация қилинган корхонанинг автохўжалик бўлими нозирхонасига ишга жойлашдим. Тинимсиз меҳнат қилардик. Бунинг устига укаларимни едириш-ичириш, кийинтириб мактабга юбориш менинг зиммамда эди. Бу юмушларни бажаргунча баъзан ярим кеча, ярим тун бўлиб кетарди. Ўша кунларни ўйлаб ўйга толаман. Тунларни меҳнатда бедор ўтказганмиз. Тиним билмаган ёшлигимиз. Ҳозиргилардек, ақалли қўғирчоқ ўйнаш нималигини билмабмиз-а...Устига-устак ўгай онамнинг қалбни тирновчи бемаврид дашномларига чидашга мажбур эдим...Аммо ойнинг ўн беши қоронғу ўн беши ёруғ деганлари рост экан. Ҳа демай укаларим оёққа туриб, ўзларини ўзлари эплайдиган бўлишди...

Ҳа, дарвоқе, шунча юмушлардан ташқари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қишлоғимиздаги кечки мактабни ҳам тугатдим. Кейин бор-йўғи ўрта маълумотли бўлишимга қарамай, мендек "синчалак"ни заводнинг муҳосиблик бўлимига ишга ўтказишди. Бир йил ўтиб яна ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳига сиртдан ўқишга кирдим.

Ҳалол меҳнат билан ҳаётда мустақил йўлимни, жамиятда ўрнимизни топдим. Толеим баланд экан, турмуш қурдим. Оллоҳ эл қатори уйли-жойли бўлиш, қатор-қатор фарзандлар ва набиралар ато этиш билан эломон мустақилликни кўришни ҳам насиб этди.

Ўзингизга маъқул ёхуд номаъқул тушган "фазилат"ларингиз ва бўш вақтингиздаги машғулотингиз, ҳаётингизда ўчмас из қолдирган энг қувончли дамларингиз ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз?

—Ўзимга энг маъқул тушган фазилатларимдан бири ва кундалик шиорим—имкон борича инсонларга беминнат яхшилик қилиш. Агар яхшилик қилиш қўлимдан келмаса, ёмонлик қилмаслик.

Ўзимга ёқмаган жиҳатларимга келсак, буни инсонларга ўта ишонувчанлигим деб биламан. Иккинчидан, дўстдан-душманни кўп ҳам ажрата олмайман.

Бўш вақтларингизда дейсиз? Аёл кишиларда айниқса, қишлоқ хўжалиги билан банд инсонларда бўш вақтнинг ўзи бўлмайди. Лекин далада бироз тин олганимда, гоҳида бедор тунлари, гоҳида эса бемор кунларим шоир ва шоиралардан айниқса Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Хожиева шеърий тўпламларини, рус классик шоирларидан Пушкин асарларини ўқиб, маъқул тушганларини ёд оламан. Тўртликларни ён дафтаримга ёзиб, йўл-йўлакай унинг мазмунини "чақиб"юраман. Гоҳида ўзбек халқининг мумтоз қўшиқларидан Муножот Тўйчиева ижросидаги куй ва мақомларни, Юлдуз Усмонова ва Насибахоним Абдуллаеванинг оҳанграбо қўшиқларини тинглаб чарчоғимни ёзаман.



Қувончли дамларим ҳақида тўхталадиган бўлсам, айтишларига қараганда Оллоҳни инсонга яшаш учун берган ҳар они ва сонияси бандаларига бир олам қувонч экан. Яна айтадиларки, инсоннинг фақат қувончли дамлар билан ўтган лаҳзаларигина чин маънода ҳаёт кечирган кунлари сирасига кирар экан. Агар шу маънода ўтган қувончли дамларимизни нисбат олиб хомчўт қиладиган бўлсак, санаб саноғига етмасак керак. Бундан оилавий қувончлар, тўйлар, анъанавий нишонланадиган байрам саналари мустасно, албатта. Сирасини айтганда қишлоқ хўжалиги ходимлари, хусусан мен учун инсонларга яхшилик қилган ҳар бир кунимни қувончли деб биламан.

Кўплар қатори менинг ҳаёт фаолиятимда ҳам шу каби қатор унутилмас дамлар бўлган десам муболаға қилмаган бўламан.

Биринчидан, бир вақтлар тақдир тақазоси билан ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдаги камтарона меҳнатим учун Республикамиз ҳукумати томонидан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими",— деган юксак унвонга эришган қувончли кунлар ҳали-ҳамон ёдимда.

Иккинчидан, Хонобод жамоа хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб юрган давримда Андижон вилояти ҳамда туман ҳокимининг яқиндан берган ёрдамини хис этган ҳолда 1995 йил 31 декабрь куни янги йилни кутиб олишга саноқли дақиқалар қолганда қишлоғимиз марказига табиий газ келтириб "зангори олов"ни ёқтириб, қишлоғимиз нуронийлари ва кексаю ёшларини дуога қўл кўтарганларини мудом унута олмайман.

Балки поёнига етмаган иш ҳақида гапириш бироз эриш туюлар. Шундай бўлсада, вилоят ва туман ҳокимининг бевосита кўмагида ўтган йилнинг кузида яна бир савобли ишга қўл ургандик. У ҳам бўлса ҳозирда фаолият юритаётган "Бирлашган" ширкат хўжалиги жойлашган ҳудудга 8-10 километрдан табиий газ қувурини тортиб келиш сметалойиҳасини туздириб, амалий ишга киришганмиз. Ҳозирда бу ишларни ниҳоясига етказиш арафасида турибмиз. Бу йилги қишки мавсумга қадар Худо хоҳласа шу ишларни ниҳоясига етказиб, элу-халқнинг дуосини олиш тараддудидамиз.

Ҳаётим давомида эсда қоладиган яна бир энг муҳим унитилмас дамлардан бири—вилоятимиздаги илғор хўжалик раҳбарлари қаторида мустақил республикамиз халқларининг энг улуғ муқаддас байрами—мустақиллигимизнинг илк бор халқаро миқёсда кенг нишонланган байрам тантанасига таклиф этилганимдир. Ўйлайманки, бу унитилмас дамлар ҳаётим хотирасининг гултожи бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Суҳбатимиз мавзуига нуқта қўяр эканмиз, Опа етакчилик қилаётган меҳнат жамоасининг келгусидаги ишларига омадлар тилаб, фикран, мана буни ҳар кимнинг тақдири азалига ёзилган қисмат дейдилар...деган ўйхаёллар билан Зайнаб Ашурова билан хайрлашдик.

**Феруза РИХСИЕВА.**

# Ҳаёт ва ҳуқуқ №4

# АДОЛАТНИНГ «ОЛТИН ТАРОЗИСИ»

**Донолар ўтмишни ромга тушган сурат, бугунни шаклланиб улгурмаган кеча, келажакни қиёмига етмаган бугун, дея таърифлашган. Чин гап. Бу сурат бугунимиз ва эртамиз ҳақида фикр юритмоғимиз учун зарур қўлланма — тарих — ўзгармас қиймат, ҳеч ким раҳна сололмайдиган бойлик ҳам. Чунки ўтмишда кўп босқинчилар халқларнинг ерини, сувини, эркини, ҳатто тарихини ҳам тортиб олишга уринишган. Ҳолбуки, Пушкиндай савқитабиий шоирнинг** *"Ўтмишга ҳурмат — бу ақлли одамни ваҳшийдан фарқловчи фазилатдир... Ваҳшийлик, аблаҳлик ва жаҳолат ўтмишни ҳурмат қилмайди ва улар фақат бугунги кун пойида эмаклайдилар",* **деб айтган гапи бор-йўғи омонат пойдевор устига қурилган сафсата эмас, балки фикрий ҳаётимизга, ҳатто турмушимизга кириб келган ҳақиқатдир.**

Одатда ҳамма замонларда ҳам ёзувчининг қадр қиммати, у айтган сўзнинг шаклига қараб эмас, балки ўша сўздан халқининг турмуш тарзи ўзгаришига қараб белгиланган. Лекин шундай замонлар бўлганки, у пайтларда ёзувчилар нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини билишган, ҳар бир сўзни ҳақиқат эмас, эҳтиёткорлик тарозисига солиб ўлчашган.

Сабаби оддий: тарихий ҳужжатларга суяниб ёзилган ҳар қандай ҳаққоний асар халқда такаббурлик уйғотмайди, билакс, ўзини англашга хизмат қилади. Бу ҳол тузум лашкарларига ёқмаган, шунинг учун ёзганларини қиртишлашган, ҳатто муаллифнинг умри-ризқига тажовуз қилишгача боришган. Албатта, ўша тузум лашкарлари орасида ўз адабиётимизнинг туғишган мунаққидлари бўлган ва уларнинг дастидан АДАБИЁТ хавфли майдонга айланган.

1985 йили "Правда Востока" газетасида М.Ваҳобовнинг "Тарих ҳақиқатига қарши" деб номланган мақоласи чоп этилган эди. У мазкур мақоласида халқлар дўстлиги ва интернационализмни "ҳимоя"сига олиб, бир қатор ёзувчиларимизнинг тарихий мавзуда ёзган асарларини социалистик реализм позициясидан йироқлашиб кетганликда ва майда буржуа романтизми томонига оғганликда ва ниҳоят тарихни сохталаштиришда айблаган эди. Хусусан, у Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи ҳақида тўхталаркан, асардаги Бобурнинг шахсий ҳаётини тасвирловчи, Бобурга тилла суви юритилган товоқлару, тилла жомларда овқат ва ичимликлар олиб келинишини, унинг лашкарларига қимматбаҳо эҳсонлар қилишини ифодаловчи лавҳаларни ёзувчи шавқ билан ёзганини гапириб, "Совет ёзувчиси бу бойликларнинг қаердан келганлигини ҳам шарҳлаб ўтса яхши бўларди" деган кинояни қилади. Ушбу танқиддан икки йил вақт ўтиб, "Юлдузли тунлар" Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб, илиқ кутиб олинади, бироқ ўша танқид сабаб асар қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклиф билан нашриётдан муаллифга қайтади. Ҳолбуки, Пиримқул Қодиров наинки тажрибали, шунингдек, тарихий шахсларни, ўтмишни идеаллаштиришнинг ёмон нарса эканлигини рўйи-рост тушунадиган зиёли эканлиги ўша замонда ҳам эътироф этилган. Қолаверса, у тасвирлаган бизнинг тарихимиз ҳеч қачон сохта кўтаринкиликка муҳтож бўлган эмас. Аммо шу ва шунга ўхшаш мисоллар аввало адибларимиз кўнглида энг ёмон туйғу —тарих олдидаги қўрқувни туғилишига сабаб бўлган. Қолаверса, ўша пайтларда совет матбуоти, хусусан, "Советская культура"га ўхшаган нашрлар мўғул истилочиларига қарши курашган машҳур Маҳмуд Torобий қабри устига қурилган гумбазни йиқитиб ташланганлиги ҳақидагига ўхшовчи хабарларни эълон қилишдан чарчамаётган эди.

Ҳа, ўша пайтларда "ўтмиш сарқитларига қарши кураш" шу қадар жоҳилона тус олган эдики, бундан наинки назаркарда адиблар, балки, оддий эл-улус ҳам хавфсираб қолган эди.

85-йилларни кўрган билган устозларимдан бири шундай ҳикоя қилади: — Ўша йили Наманганда оқ рўмолли аёллар дўконларга ҳам, ҳатто автобусларга-да қўйилмаган, чунки оқ рўмол эскилик сарқити эмиш...

"Дод" деб юборгинг келади. Зеро, бу мантиқсиз мантиққа ўша пайтдаги ўз тарихини билмайдиган ёшларни ишонтириш осон кечган.

Ҳа, чиндан ҳам ўша пайтнинг ёшлари ўз тарихларини билмасдилар. Чунки ўтган асрнинг 85-90 йиллари ўрта мактаблар учун Ўзбекистон тарихига оид бор-йўғи 3 та қўлланма бўларди, холос. Улар ҳам анча эскирган, бирмунча вақтдан буён қайта нашр этилмаган, хусусан, русчадан таржима қилинган "Ўрта асрлар тарихи" қарийб ўн йил мобайнида нашр этилмаган ҳолда ўқувчилар ўн йил давомида французлар қаҳрамони Жанна д' Аркни ўрганишга маҳкум эдилар.

"Ўзбекистон ССР тарихидан ҳикоялар" эски дарслигида Ўзбекистоннинг икки минг йиллик тарихига бор-йўғи 23 саҳифа жой ажратилган бўлиб, бу инқилобгача бўлган даврнинг ҳар юз йилига бир саҳифа тўғри келарди. Шунингдек, ўзбек адабиёти ва тилига оид тарихий ўқув қўлланмаларга бўлган муносабат ҳам ана шундай — тузукроқ сабоқ олгулик нарса йўқ эди.

Буни фақат шу билангина изоҳлаш мумкин холос: бизни ўз тарихимиздан мосуво қилиб қўйишгача боришган.

Энди бўлса, мустақилмиз. Ҳар сўзимизни чиғириқдан ўтказувчи "цензура" ҳам йўқ. Ёзувчиларимиз ўз вақтининг асосий қисмини ўтган замонлардагидек ёзган асарлари ҳимоясига сарфлаётганлари ҳам йўқ. Бироқ бугуннинг нафасини ўзида акс эттирган асарлар ҳам йўқ. Борлари ҳам кам. Ким билсин, балки бизнинг бу ҳолимиз узоқ вақт елкасида оғир юк кўтариб юриб, ўша юкдан кутилмаганда қутилган кишининг ҳолига ўхшар? Ундай десак, оғир юк — истибдод зулмидан қутилиб, истиқлол шукуҳи ила яшаётганимизга ҳам, мана 12 йилдан ошди-ку?!

Майли бу ҳол ҳам ўнгланиб кетар. Замон қаҳрамонларини гавдалантирган асарлар ҳам баҳор лолақизғалдоқларидай потирлаб чиқиб ҳам кетар, аммо қачон? Унгача ўша асарларни ўқишга ва уқишга қодир китобхонлардан айрилиб қолмасмиканмиз?

Бировларга бу гапимиз эриш туюлиши мумкин, чунки ўша бировлар жуда баракали ижод қилишмоқда. Ёзганлари китоб ҳолида чоп этилмаганда ҳам ким ўзарга чоп этилаётган нашрларда пайдар-пай эълон қилинмоқда... Аммо уст-бошга илашган гардни қоқиб ташласа, ўша гард кетар, аммо тафаккурга ўрнашган саёзликни кейин ҳар қанча уринилган билан ўнглаб бўлармикан деган андиша кўнглимизни эзар...

Халқ ўзини ўзи англаса ҳали айтганимиздек такаббурлик сари эмас, балки ўзаро жипслашиш сари юз буради. Шунинг учун ҳам бугун ва эрта ҳақида ортиқча лоф ўриб ўтирмадик. Фақат бугун ҳақида бир нарсани айтишимиз мумкин. Бизга тарихимизнинг ўзимиз билмайдиган саҳифаларини ҳалол ва ҳаққоний ёритиб берадиган адиблар, бадиий асарлар, дарсликлар сув ва ҳаводай зарур. Шунда биз келажак қаршисидаги тарихий ҳадиклардан холи бўламиз.

**Феруза ТЎРАЕВА,**
**ЎзДЖТУнинг**
**Халқаро журналистика**
**факультети ўқитувчиси.**
**Саййид ОЛИМ,**
**талаба.**



Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари солиқ қонунчилигини амалга ошириш борасида муҳим ишларни бажармоқдалар.

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 июлдаги 330-сонли "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини чакана сотишни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш, чакана савдо соҳасида юридик ва жисмоний шахслар учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозорларда савдо фаолиятини тартибга солиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришдек долзарб вазифалар кўзда тутилган, — дейди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдуахат Набиев. — Қарорга мувофиқ 2003 йил 1 октябрдан бошлаб деҳқон бозорлари, шунингдек, уларнинг филиаллари ҳудудида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш фақат турғун савдо шаҳобчаларида, мажбурий тартибда назорат-касса машиналари қўлланган ҳолда амалга оширилади. Юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларининг қуйидаги бузулиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солинади:

Яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни ёки яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни сотиш;

Назорат-касса машиналарининг қўлланиши мажбурий бўлган ҳолларда уларни қўлламасдан савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш;

Харидорга чек ёзиб бермасдан товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш.

Янги ҳаётий талабларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш ва бозорлардаги янги тартибни кенг қўллаш юзасидан жамоа барча чораларни кўрмоқда. Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

***Суратда: инспекциянинг "Жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш" бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Исроил Холматов билан инспектор Дилмурод Насриддинов хусусий тадбиркор Ботир Қаландаровга қарашли савдо шаҳобчасида тегишли ҳужжатларни кўрикдан ўтказишмоқда.***

*Таклиф*

# МОЛИЯВИЙ ЧОРАЛАР МУКАММАЛЛАШТИРИЛСА

**Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 1998 йил 1 январда амалга киритилган. Ўтган давр мобайнида мамлакат ҳаётига оид қатор муҳим Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари чиқдики, булар амалдаги Солиқ кодексининг 135-моддасига айрим қўшимчалар киритишни тақозо этади. Амалдаги 135-модда ўн бир қисмдан иборат бўлиб, кейинги йилларда қабул қилинган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида кўрсатилган молиявий жарималар ушбу моддада ўз аксини топмаган. Шунинг учун бу моддага баъзи қўшимча бандлар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.**

Масалан, мазкур модданинг 12-банди қуйидагича бўлса яхши бўларди. Мулкчилик шаклидан ва ҳуқуқий мақомидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо қилишда ва хизматлар кўрсатишда:

— нақд пул тушуми яширилган ҳолати аниқланган тақдирда яширилган нақд пул тушуми миқдорида жарима ундирилади;

— назорат-касса машиналари қўлланилмасдан, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда квитанцияларнинг кўчирмасисиз, талонлар, чипталар ёки унга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатилганда ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима ундирилади. Жарима жазолари қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида жарима ундирилади;

— фискаль хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланилган тақдирда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, қоида бузиш ҳоллари такрорланганида эса энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 5-бандига асосан матнга қуйидаги мазмунда қўшимча киритилса солиқ кодекси яна мукаммаллашарди. Шунда 13-банд: "Етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўланмай, тўловлар учинчи шахслар ҳисобидан ундирилган тақдирда ҳамда учинчи шахсларга тўланган тақдирда тўлов суммаси яширилган даромад деб баҳоланиб тўла давлат бюджетига ундирилади", шаклига келса мақсадга мувофиқ бўларди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 январдаги "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорнинг 5-бандида асосан 14-банд киритилиши лозим, деб ўйлайман.

14-банд: Мулкчилик шаклидан ва ҳуқуқий мақомидан қатъий назар озиқ-овқат спирти ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарувчи юридик шахсларга хомашё ресурслари, спирт ва алкоголли маҳсулот сарфланишининг ва сақланишининг, уларнинг ишлаб чиқарилиши ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг белгиланган тартибини бузганлиги, шунингдек акциз маркаларисиз алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 500 бараваригача;

— ноқонуний ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотларни уларни акциз маркаларисиз ва сохта акциз маркалари билан сотган хўжалик юритувчи субъектларни алкоголли маҳсулот билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда, белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги "Виноароқ маҳсулотларини улгуржи сотиш ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги 136-сонли қарорнинг 7-бандига асосан 15-банд қуйидаги матнда киритилиши керак, назаримда.

15-банд: Мулкчилик шаклидан ва ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан алкоголли ва тамаки маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишнинг белгиланган қоидаларини бузганлик учун ушбу фаолиятдан олинган барча даромад (фойда) ҳамда шу миқдорда жарима ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомиласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 7-бандига асосан Солиқ Кодексининг 135-моддаси 16-банд билан тўлдирилиши лозим, деб ўйлайман.

16-банд: Мулкчилик шаклидан ва ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар томонидан) товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ундирилади, дейилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, солиққа оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиладиган молиявий жазо чораларини мукаммаллаштириш давр талаби. Шу маънода бизнинг таклифларимиз инобатга олинса солиққа оид молиявий муносабатлар устидан тегишли назоратни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлайди.

**Тоҳир ХОЛИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти бўлим бошлиғи**

# «ХАЗИНА» ОПЕРАЦИЯСИ

**Кўпни билган донишлар "Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб ярамас иллатларга берилиб кетадики, алалоқибат ҳаётнинг нопок йўлларидан юришга одатланиб қолади", дейишган экан. Жондорлик Амин Шарипов ҳалолликдан юз ўгириб эл олдида мулзам бўлиб қолди.**

2000 йилнинг январь ойида Жондор туман халқ таълими мутасаддилари Амин Шариповни виждонли, бурч масъулиятини англайдиган киши сифатида хазиначи лавозимига ишга қабул қилишди. Амин Шарипов—пухта-пишиқ йигит. Хусусан, ўз манфаати йўлида анча-мунча эпчилларни ҳам доғда қолдирадиганлар хилидан чиқиб қолди. Йўғ-э, дейсизми? Ишонмасангиз унинг пул ўзлаштириш борасидаги хурмача қилиқлари ҳақида эшитинг. Икки-уч йилда ишнинг "рафти"ни олган хазиначи мўмай даромаддан эсанкираб қолди. Бурч масъулияти, жамоа ишончи деган тушунчаларни унутди. Виждонни нафс тупроғи билан кўмиб, қинғир ишга киришди. "Ёпирай. ХТБ ҳам даромаднинг кони экану, билмай юрган эканманда", — ўзича ўйлади Амин Шарипов хазина ҳисоб-китобини шамғалат қилиб дарёдан томчи қабилида ўмарган 332 сўмни чўнтакка ураркан.

Пулнинг меҳри иссиқ келади, дейишганича бор экан, денг. Хазиначи кейинги гал 55339 сўмни ими-жимида ўзлаштириб, қўй оғзидан хас олмагандек юмшоқ тортиб ютиниб қўйди. Аммо қилаётган ғайриқонуний хатти-ҳаракати бир кун шармандаликка етаклаши, суднинг қора курсисига чўктиришини ўйлаб ҳам кўрмади. Қадимги юнон файласуфи Демокрит айтганидек, "Қўрқиб эмас, бурч туйғуси ҳаққи ножоиз ишлардан тийилиш лозим", эди.

Аммо Амин Шарипов жиноий ҳаракатларни "дадил" давом эттираверди. 2002 йил май ойидан бошланган "ўмариш" операцияси 2003 йил апрель ойигача давом этди. Халқ таълими тизими ходимларига тегишли жами 7 миллион 428 минг 784 сўмлик пул маблағларини ўзлаштириб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган жаноб хазиначи "қинғир ишнинг қийиғи чиқмайди", деб безовта кўнглини ўзича тинчлантириб қўярди.

Туман халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси лавозимида 1999-2002 йиллар Асад Орипов, 2002 йил июнь ойидан декабрь ойига қадар Элмурод Шомуродов, 2003 йил бошидан 25 июнгача Ҳақберди Собировлар фаолият кўрсатган. Бош ҳисобчи "Корхона ва ташкилотларда хазина ишини юритиш тартиби тўғрисида"ги йўриқномада эътироф этилганидек, хазина қолдиғини ҳар ойда бир марта таҳлил қилиб бориши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо негадир Амин Шарипов муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатлар, яъни хазина китоби, ҳисобот ҳужжатлари, банкдан нақд пул олинганлиги тўғрисидаги чекларни ғайриқонуний тарзда бир неча марта қалбакилаштирган бўлса ҳам бундан бош ҳисобчи бехабар қолган. Нега, хазиначини ишга совуққонлик билан ёндашуви эътибордан четда қолди экан? Бош ҳисобчи ваколати доирасида фаолият кўрсатган жавобгар шахслар қонун талаби асосида Амин Шариповнинг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаганида эди, балки хазиначи хушёр тортган бўлармиди?

Жиноят ўз номи билан жиноят. Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш шарт.

Суднинг қора курсисига ўтирган Амин Шарипов пушаймонда. Аммо ҳеч бир надомат жазодан қутилиш имконини бермайди. Муборак ҳадисларда шундай дейилади. "Дунё нафс майл қўйган бир яшилликдир. Ким унда ҳалолликдан даромад орттирса ва одамларга нафи тегса жаннатийдир. Ким ҳаром даромад орттириб, рўзғор тебратса, катта гуноҳга қолади."

**Шавкат НАБИЕВ,**
**Бухоро вилояти прокуратурасининг иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг муҳим ишлар бўйича катта терговчиси.**
**Моҳира ШАКАРОВА,**
**"Адолат " мухбири.**

# ЙИРТИЛГАН ЁҚА, ХАЗОН БЎЛГАН УМР

**ЁКИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ВАЛЮТА АЛМАШТИРИШ ШАҲОБЧАЛАРИДА ЮЗАГА КЕЛГАН МУАММОЛАРГА БИР НАЗАР**

**Истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистонда банклар тармоғи кўпайди. Улар ўз хизмат доираларини кенгайтирган ҳолда аҳоли пул маблағларини ишончли сақлаш, кўпайтиришга хизмат қиляпти. Ишбилармонларга кўмак бериб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта ёрдам бермоқда. Бу яхши албатта.**

Аммо қатор банклар, уларнинг жойлардаги шаҳобчалари жойлашган ерларда антиқа ҳодисалар бўляптики, уларни кўриб ёқа ушлайсан киши. Ҳозир ҳар бир банк ёки унинг тармоғи қошида валюта алмаштириш пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Агар назар ташлаган бўлсангиз, уларнинг эшиги олдида ҳар куни тумонат одам. Ҳатто кечалари ҳам одамлар тўп-тўп бўлиб тўпланиб турганини кўришингиз мумкин. Мабодо озгина вақтингизни ажратиб уларни кузатсангиз борми, ур-йиқит, тўс-тўполон, бир бирини ҳақоратлаган эркакларни, ёқа юлишган аёлларни кўриб "тавба қаерга келиб қолдим, ўзи", деб юборишингиз аниқ.

Хўш, нега бундай бўляпти, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Гап шундаки, белгиланган тартибга кўра, ҳар бир фуқаро банкларнинг пул алмаштириш шаҳобчалари орқали ҳар уч ойда маълум миқдорда валюталарни олишлари мумкин.

Маълумки, АҚШ доллари банклар орқали арзон сотилади. Уни амаллаб қўлга киритганларнинг эса ошиғи олчи. Нега деганда, бир АҚШ долларини улар қора бозорда анча қимматга ўтказишлари мумкин. Энди ёқа юлишиб, бир ярим, икки минг АҚШ долларини қўлга киритган одам бели оғримай қанча сўм мўмай даромад ишлаб олишини ҳисоблаб олаверинг, азиз газетхон!

Шу сабабли банклар олдига ин қуриб олган "кундашундалар" содда одамларни тузоққа илинтиришяпти. Маълум миқдорда пул бериш эвазига фуқароларни қонунбузарликка, яъни, жиноятчиликка ундашмоқда. Тўғри қонунбузарлар жазога тортилмоқда. Аммо айрим ҳолларда қонунбузарлик бундан ҳам аянчли ҳолатларга олиб келаётир.

Шу йил апрель ойида бўлиб ўтган воқеа фикримизни тасдиқлаши мумкин. Ўлмасбой Холмирзаев тўрт нафар фарзанднинг отаси. Ҳеч қаерда ишламайди. Хотини Клара Холмирзаева ҳам ўзига ўхшаганлардан. Аммо яшашни, яшаганда ҳам яхши яшашни исташади. Ҳалол меҳнат қилиб оила тебратишга келганда бўйинлари ёр бермайди-ю ёнларидан пул аримайди.

Бўлмаса Ўлмасбойга хотини ўз паспортингизга ёнингиздаги пулга бир ярим минг АҚШ долларини банкдан олиб беринг деганда:

—Хотин, ўзим ҳеч қаерда ишламасам, пулни қаердан оламан,— демасмиди?

Аммо демади. 2002 йил декабрь ойида "Миробод" деҳқон бозори олдида жойлашган "Авиа" банкка Клараҳон билан бориб навбатга турди. Навбатда турганида унинг олдига хотинининг таниши Бахтиёр исмли йигит келади-да:

—Ака бир-икки соат ичида 30 минг сўмлик бўлиб қолишни хоҳлайсизми?—деб сўради. Текин деса ўзини томдан ташлайдиган Ўлмасбой:

—Хўш, хўш, нима қилиш керак,—сўради кўзларига пачка-пачка пуллар кўриниб.

—Мана бу халтада бир минг беш юз долларга етадиган сўм бор. Кириб долларга алмаштирасизу менга топширишингиз билан 30 минг сўмни санаб олаверасиз,—деди Бахтиёр унга халтани тутқазаркан.

Ўлмасбой унинг айтганини қилиб бир пастда бели оғримай катта миқдордаги пулга эга бўлади. "Пул ишлашнинг йўли бор экану, яна мен ишга кирмоқчи бўлиб юрибман. Бирор корхонада ишласам шунча пулни топиш учун камида бир ой тер тўкишимга тўғри келади", деб ўйлади оғзи қулоғига етиб.

Шундан кейин Ўлмасбой шу йил 7 февралда ўша банкдан Бахтиёрга бир минг беш юз АҚШ доллари олиб бериб яна 30 минг сўмлик бўлади. Бир куни уйида ўтирганда телефон қўнғироғи жиринглаб қолади:

Салом аликдан сўнг Бахтиёр:

— Клара опам уйдамилар, — деб сўрайди.

— Опангиз йўқ, — деб гўшакни қўйиб қўяди Ўлмасбой. Орадан чамаси ярим соат ўтиб Бахтиёр яна қўнғироқ қилади.

— Клара опа келдиларми?

— Йўқ, нега хотинимни суриштириб қолдинг.

— Менга АҚШ доллари олиб бермоқчи эдилар.

— Менга қара опанг доллар олиб бериш билан шуғулланмайди. Бизларни тинч қўй.

— Ундай бўлса яшайдиган уйингиз адресини айтсангиз. Гаплашадиган гап бор эди.

Ўлмасбой унга уйи адресини айтгач:

— Майли мен автобус бекатига чиқиб тураман. Ўша ерда гаплашамиз,— дейди.

Кундузги соат иккиларда Бахтиёр 2101 русумли "Жигули" машинасида ҳайдовчи билан келади. Машинадан тушиб сўрашади-да:

— Ака юринг, "Авиабанк"ка бориб келайлик, — деб илтимос қилади. Аммо Ўлмасбой "мени у ерда қиладиган ишим йўқ", деб рад жавобини беради. Бахтиёр эса қайтиб кетади.

Ўлмасбой кечқурун кўчага чиқиб сигарет олиб қайтса, уйи олдида Бахтиёр уни ўша машинада кутиб турган экан. У Ўлмасбойни кўргач машинадан тушиб олдига келади:

— Клара опам келдиларми?

— Йўқ келгани йўқ. Нимайди?

— Хотинингиз бугун менга доллар олиб бермоқчи эдилар. Пулни олиб ичкарига кириб кетдилар. Бир пайт ўша мен берган 1 миллион 500 минг сўмни кўтариб қайтиб чиқдилар. Биз олдиларига нима гаплигини билгани келаётган эдик. Аммо Клара опам бир машинага ўтирдилар-да, қочиб қолдилар. Шунинг учун уларни қидириб юрибман. Уйингизга кириб бир-икки соат ўтираман. Хотинингиз келиб қолсалар гаплашадиган гапим бор эди.

— Э, оғайни мен сенга икки марта доллар олиб бердим. Бўлади-да! Шунга энди уйимга кириб ўтирмоқчимисан?

Шу пайт машинадан бегона бир одам тушиб унга дўқ-пўписа қила бошлайди. Ўлмасбойнинг "бу ким", деб берган саволига Бахтиёр:

—Бу акам милицияда ишлайдилар, —деб жавоб беради.

—Мени тинч қўйинглар, —деб Ўлмасбой уйига кириб кетади. Овқатланиб энди ётаман деб турганида эшик қўнғироғи жиринглаб қолади.

Ташқаридан Бахтиёрнинг овози эшитилади:

—Очинг ака, мен Бахтиёрман, гаплашадиган гап бор.

—Сен билан гаплашмайман, эшикни ҳам очмайман. Мени тинч қўй. Аммо Бахтиёр ва уни шериги кетмай эшикни тепа бошлашади. Бир пайт қаттиқ зарбадан эшик очилиб кетади. Бахтиёрнинг уйга бостириб кирганини кўрган Ўлмас стол устида турган пичоқни олади-да Бахтиёрнинг ўнг ва чап кўкрагига бир неча маротаба тиқиб олади. Бундай ҳужумни кутмаган Бахтиёр қочишга тушади. Кўчага чиқиб Спутник даҳаси 27-уй қаршисига етганида оғир жароҳат ва кўп қон йўқотишдан йиқилиб жон таслим қилади.

Жиноий ишлар бўйича Сирғали туман суди жиноят ишини ҳар томонлама ўрганиб, Ўлмасбой Холмирзаевни ўн йилу икки ойга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Энди ёши элликдан ошганда бошқалар қатори тинчгина давру даврон суриш ўрнига қолган умрининг анчагина қисмини темир панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Жиноят очилди. Жиноятчи жазосини олди дея энди мақоламизга нуқта қўйсак ҳам бўлаверарди. Аммо бизни бошқа нарса ўйлантиради. Юқорида айтганимиздек, валюта алмаштириш шаҳобчалари олдидаги ур-йиқитлар, жанжал тўполонлар нега камаймаяпти. Нега у ерларга ин қуриб олганларни мушугини ҳеч ким пишт демаяпти. Бахтиёр биргина Ўлмасбой ёрдамида уч минг АҚШ доллари олган экан, бошқаларга ҳам пул бериб олмаганига ким кафил бўла олади?

Яна бир гап. Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ш.У.Қўймуродованинг айтишича, 2003 йил 4 апрелда "Авиабанк"нинг валюта айрибошлаш шаҳобчаси олдида АҚШ доллари оламан деб навбатда турганлар Миробод туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари келиб қолишганида қочиб қолишади.

Хўш, айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек, нега навбатда турганлар прокуратура ходимларини кўриб жуфтакни ростлаб қолишди. Агар қилаётган ишлари қонуний бўлса бундай қилишмасди-ку! Демак, уларнинг кўпчилиги валюта олиб сотишни касб қилиб олишган. Бу ниманинг оқибати? Унга жавоб битта. Валюта айрибошлаш жойларида тартиб-назоратнинг сустлигида.

Ўйлаймизки, жамоат тартибини сақлашга даъват этилганлар бундан жиддий хулоса чиқарадилар. Ана шунда биз юқорида келтирган каби нохуш ҳолатлар содир бўлмайди.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

